

# Росуллоҳнинг тунги суҳбатлар ҳақида айтган гаплари келган боб.

﴿ باب ما جاء في كلام رسول الله في السمر ﴾

صلى الله عليه وسلم

[ ئۆزبېكچە – Uzbeking – الإوزبكي ]

**Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Даргомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿ باب ما جاء في كلام رسول الله في السمر ﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله والصلاة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه ومن والاه وبعد:

**Бу “шамоили мухаммадия”дан йигирманчи дарсимиз бўлиб, бунда битта бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ!**

38 - باب ما جاء في كلام رسول الله في السمر وفيه حديثان

**Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечқурунда суҳбат қуришларини ифода этувчи боб. Бу бобда иккита ҳадис ривоят қилинади.**

252 - حدثنا الحسن بن صباح البزار ثنا أبو النضر ثنا أبو عقيل الثقفي عبد الله بن عقيل عن مجالد عن الشعبي عن مسروق عن عائشة قالت حدث رسول الله ذات ليلة نساءه حديثا فقالت امرأة منهن كأن الحديث حديث خرافة فقال أتدرون ما خرافة إن خرافة كان رجلا من عذرة أسرته الجن في الجاهلية فمكث فيهم دهرًا ثم ردوه إلى الإنس فكان يحدث الناس بما رأى فيهم من الأعاجيب فقال الناس حديث خرافة

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Бир кеча Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хотинларидан бирига бир ҳадис айтдилар. Улардан бири бу хурофотга ўшаб кетди. -деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам хурофот ўзи нима? эканлигини биласизларми?- дедилар. Сўнг айтдиларки: Жоҳилия даврида Бани Узра қабиласидан Хурофа исмлики кишини жинлар асир қилиб, ўзлари билан бирга олиб кетишади. У уларнинг ичида узоқ муддат қолиб кетади. Кейин улар уни ўз диёрига, инсонларнинг олдиларига қайтариб, ташлаб кетадилар. У одамларга жинлардан кўрган қизиқарли нарсаларни ҳикоя қилиб берарди. Кейинчалик одамлар қандай қизиқ воқеани шоҳиди бўлсалар, бу Хурофанинг ҳадиси! -дейишадиган бўлиб қолдилар.

حديث أم زرع

253 - حدثنا علي بن حجر قال حدثنا عيسى بن يونس عن هشام بن عروة عن أخيه عبد الله بن عروة عن عروة عن عائشة قالت جلست إحدى عشر امرأة فتعاهدن وتعاقدن أن لا يكتمن من أخبار أزواجهن شيئا فقالت قالت الأولى زوجي لحم جهل غث على رأس جبل وعمر لا سهل فيرتقى ولا سمين فينتقل قالت الثانية زوجي لا أبث خبره إني أخاف أن لا أذره إن أذكره أذكره عجره وبجره

قالت الثالثة زوجي العشنق إن أنطق أطلق وإن أسكت أعلق  
 قالت الرابعة زوجي كليل قمامة لا حر ولا قر ولا مخافة ولا سامة  
 قالت الخامسة إن دخل فهد وإن خرج أسد ولا يسأل عما عهد  
 قالت السادسة زوجي إن أكل لف وإن شرب اششف وإن اضطجع التف ولا يولج الكف ليعلم البث  
 قالت السابعة زوجي عيياء أو غيياء طباقاء كل داء له داء شجك أو فلك أو جمع كلا لك  
 قالت الثامنة زوجي المس مس أرنب والريح ريح زرنب  
 قالت التاسعة زوجي رفيع العماد طويل النجاد عظيم الرماء قريب البيت من الناد  
 قالت العاشرة زوجي مالك وما مالك مالك خير من ذلك له إبل كثيرات المبارك قليلا ت المسارح إذا سمعن  
 صوت المزهر أيقن إنهن هوالك  
 قالت الحادية عشر زوجي أبو زرع وما أبو زرع أناس من حلي اذني وملاً من شحم عضدي وبجحني  
 فبجحت إلي نفسي وجدني في أهل عنيمة بشق فجعلني في أهل سهيل وأطيط ودائس ومنق فعنده أقول فلا  
 أقبح وأرقد فلتصبح وأشرب فأتقمح أم أبي زرع فما أم أبي زرع عكومها رداح ويبتها فساح ابن أبي زرع  
 فما ابن أبي زرع مضجعه كمسل شطبة وتشبعه ذراع الجفرة بنت أبي زرع فما بنت أبي زرع طوع أبيها  
 وطوع امها وملء كسائها وغيظ جارها جارياً أبي زرع فما جارياً أبي زرع لا تبث حديثنا تشيئا ولا تنقت  
 ميرتنا تنقيتنا ولا تملأ بيتنا تعشيئا قالت خرج ا زرع والأوطاب تمخض فلقني امرأة معها ولدان لها كالفهدين  
 يلعبان من تحت خصرها برمانتين فطلقني ونكحها فنكحت بعده رجلا سريا ركب شريا وأخذ خطيا وأراح  
 علي نعماً ثريا وأعطاني من كل رائحة زوجا وقال كلي أم زرع وميري اهلك فلو جمعت كل شريه أعطانيه ما  
 بلغ اصغر آنية أبي زرع قالت عائشة رضي الله عنها فقال لي رسول الله كنت لك كأبي زرع لام زرع.

Бу ҳадис “Умму Заръ ҳадиси” -деган ном билан машҳурдир. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: Ўн бирта аёл, ҳар бирлари эрларининг сифатларини бир-бирларидан яширмай, тўла-тўқис айтишликка ўзаро иттифоқ тузган эканлар.

**Улардан биринчиси айтадики:** Менинг эрим баланд тоғнинг чўққисидаги ориқ туянинг гўштидир, унга чиқиш ҳам осон эмас, уйга олиб кетиш учун арзугули семиз ҳам эмас.

**Изоҳ:** Бу аёл эрини қўйнинг гўштига эмас, балки ишдан чиққан, қариб кетган, ориқ туянинг гўштига ўхшатиб ва буни устига у туя баланд тоғнинг чўққисидадир –дея унинг

*гўшти чандир эканлигини, еб ҳазм қилиб олиши ҳам мушкуллигини эслатиб у эрда ҳеч бир яхшилик йўқлигини баён қилди.*

**Иккинчиси айтадики:** Эримнинг айбларини айта олмайман, чунки билиб қолса, мени талоқ қилиб юборишидан кўрқаман! Агар у ҳақда сўзласам ҳам, унинг ички-айбларидан биронтасини қолдирмай айтиб юбораман. Уламолар бу сўзнинг маъносида яна бошқача таъвил ҳам қилиб айтадиларки: Эримнинг айб-нуқсонларини фош қила олмайман, чунки айблари шунақа кўпки, агар ҳикоя қилишга киришсам, унинг кўплигидан охирига етказа олмайман. Гапирсам ҳам сир-асрорларини очиб ташлайман.

**Учинчиси айтадики:** Эрим новча беақл, агар гапирсам талоқ қилинаман, агар гапирмасам муаллақ бўламан.

**Изоҳ:** *Яъни эрида бўйдорликдан бошқа гапиришига арзуғули сифат йўқ экан. Агар унинг айбларини фош қилса талоқ қилиб юборадиган, агар сукут қилиб юраверса, у эрнинг ҳеч нарсада эрлиги кўринмас! аёли на эри бордек, на талоқ қилингандек, муаллақ бўлиб қолар экан.*

**Тўртинчиси айтадики:** Менинг эрим тиҳома иқлимнинг кечқурунига ўхшайди, на унда иссиқлик бор ва на унда совуқлик бор, ундан ҳеч кўрқув қилинмас, ва на ундан малолланмайсан киши.

**Изоҳ:** *Бу аёл эса эрини ўртача иқлимга ўхшатиб, уни гўзал ахлоқли, беозор, ундан хавф хатар асло содир бўлмасдир!- дея мақтамоқда.*

**Бешинчиси айтадики:** Эрим агар уйга кирса қоплондир, агар уйдан чиқса шердир. Уйда бўлар-бўлмас нарсалар учун жанжал қилмайди.

**Изоҳ:** *Яъни унинг эри уйга келганда, қоплондек оиласини соғиниб киради, агар уйдан чиқса шердек олийжаноб бўлиб чиқади. Уламолар бу ҳадиснинг таъвилида яна бошқа шарҳ қилиб айтадиларки: Унинг эри уйга келганда қоплондек беғам бўлиб, қаттиқ уйқуға ботади-да, уйдаги нарсалари ҳақида бош қотирмай, парвои-палак бўлади. Агар уйдан эркалар олдиларига чиқиб, улар билан муомалада бўлса, ёки урушга кирса, шерлардек шажзоатли бўлиб кетади.*

**Олтинчиси айтадики:** Менинг эрим агар овқатланса, товоқда ҳеч нарса қолмагунча ейди. Агар ичса ҳам ичимликни борини шимириб кўёди. Агар ухласа ёлғиз ўзига жой солиб, ўраниб олади-да, аҳволимдан хабар олиш учун кўрпага кўлини ҳам киргизмайди.

**Изоҳ:** *Яъни унинг эри еб-тўймас, меш каби ичар, ёлғиз ётиб, хотинидан ҳол-аҳвол сўрамайдиган бир худбин инсон экан. Баъзи шарҳловчилар айтишларига қараганда бу*

*аёлнинг жасадида нуқсонлик ёки касаллик бўлган экан. Бу худбин эр хотинининг ҳолини сўрамай, ўликми-тирикми? бундан хабардор бўлишни истамас ҳам экан.*

**Еттинчиси айтадики:** Эрим аёлларга яқинлик қилишдан ожиздир. Ровий айтадики: Ёки бир ахмоқ одам, сўзга нўноқ, ҳар бало унда бордир, агар гапирсанг бошингни ёрар, ёки суягингни майиб қилар, ё иккисини ҳам қойиллатар.

**Саккизинчиси айтадики:** Менинг эрим қуёндек мулойим, заъфарондек хушбўйдир.

**Изоҳ:** *Яъни унинг эри қуёндек мулойим, ёқимли, хушфеъл, беозор инсон бўлган экан.*

**Тўққизинчиси айтдики:** Эрим уйи баланд, қомати расо, меҳмони кўп, уйи жамоатчилик ишларини режалаштириладиган марказга яқиндир.

**Изоҳ:** *Унинг эри меҳмондўст, жамоат ишларига актив қатнашувчан, хайр-саховатли инсон экан. Мулла Али қори айтадиларки: Араблар одатларига кўра соховатли кишини баланд уйга ташбиҳ қилишади. Агар уй баланд бўлса, мусофирларнинг кўзига тезда кўришиб, улар у хонадонга меҳмон бўлишлари мумкин! – дейдилар. Кейин эса унинг уйида тунаб қолишлари, ёки сафар ҳожатларини ўтаб олишлари ҳам, эҳтимолдан холи эмас. Яна унинг уйи жамоатчилик ишларини режалоштириладиган уйга яқин бўлиши ҳам, унинг самимийлигига далилдир. Чунки ташкилотчилик уйига яқин хонадон учун, гоҳ-гоҳ уларга ёрдам бериш имкони туғилиб қолади. Демак улардан ёрдамини аямасдан, улардан ўзини узоқ тутмас экан, албатта бу одам муруватли инсондир.*

**Ўнинчиси айтадики:** Менинг эрим моликдир. Молик нима?- дейсиз-ми? Асло сўрамай қўяверинг! Сиз ўйлагандан ҳам минг чандон аълодир! Унинг жуда кўп туялари бор, сўйиш учун таёрдек ётарлар. Ўтлаш учун кам кетарлар, агар сурнай товушин эшитсалар, дарҳол қурбон бўлишларин сезарлар.

**Изоҳ:** *Яъни унинг эри хайр-эҳсон қилишда энг чўққига чиққан, меҳмонларга туялар сўйиб, катта-катта зиёфатлар қилиб берадиган киши эканки, ҳатто туялари ҳам, сурнай овозини эшитишлари биланоқ меҳмон келганини сезадиган бўлиб қолган эканлар.*

**Ўн биринчиси айтадики:** Менинг эрим Абу Заръдир. Абу Заръ ким эканлигини биласиз-ми? Икки қулоғимни қиммат-баҳо балдоқ билан безатиб. Икки билагимни ёғ билан тўлдирди.

**Изоҳ:** *Яъни едириб ичириб яхши парвариш қилганидан танавор бўлиб семириб кетдим - дейди.*

Кейин эса мени ўз ҳолимга қўйиб, шунча эрка қилдики, керилиб кетиб, охир ниҳоят ўзимни ҳам унитаёздим. Аслида у мени бир бечора, тоғ этагида қўй боқар

камбағал оиладан топган эди. Кейин эса мени йилқи, мол ва туя подалари бор, тоза буғдой унини истеъмол қиладиган бадавлат оилага олиб келган эди. Унинг ҳузурида ҳоҳлаганимча гапирардим, биров мени жиркимасди. Тонг отгунга қадар ухлардим, биров мени уйғотмасди. Сув ичардим чанқоқ қонгун қадар. Аби Зарънинг онаси ким? эканлигини биласиз-ми? Идиш-товоқлари катта-катта ва алвон-алвон таомлар билан лик тўла, уйи ниҳоятда кенг, олийжаноб, меҳрибон аёл эди. Абу Зарънинг ўғлини таърифласам! У бир новдек хипча, (Ровий айтадики): Ёки қинидан суғириб олинган қиличдек сарвиқомат, эчки сути билан тўядиган бетакаллуф йигит эди. Абу Зарънинг қизичи? қизи ҳам ота-онасига итоаткор, тўлиб, вояга етишган, ҳусни-жамолига кундоши куйиб ўладиган, гўзал қиз бўлган эди. Абу Зарънинг чўрисини айтсам агар, у ҳам шундай ахлоқли эдики, сиримизни фош қилмас, омонатга хиёнат қилишни билмас, уйни ҳам чиннидай покиза тутар эди. Охир нима? бўлди!- дейсиз-ми? Бир куни иттифоқо, Абу Заръ кўчага чиқди, баҳор фасли ўзининг хайротларини тўкиб сочган давр эди. Қўққис йўлда бир аёлга дуч келди, аёлнинг икки жажжигина болалари қоплон болаларидек, оналарининг икки биқинида туриб, унинг икки анорини эркаланиб ўйнар эдилар. Шунда мени талоқ қилиб, бу аёлни ўз никоҳига олди кўйди. Кейин эса мен бошқа бир бадавлат, учқур отларни минган, шон-шуҳратли, денгиз соҳилларига хўжайин бўлган кишига турмушга чиқдим. У мени молу дунёга кўмиб, ҳар нарсадан жуфт-жуфт олиб берди-да ва Эй умму Заръ истаганингча еб-ич! ҳоҳлаганингча оила аъзоларингга сарфла! –деди. Агар мен бу одам берган ҳамма нарсаларни жамъ қилсам ҳам, Абу Зарънинг бир дона пиёласига ҳам арзимайди. Оиша онамиз айтадиларки: Шунда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Эй Оиша мен сен учун, худди Абу Заръ умму Заръга бўлгандек меҳрибонман! Бошқа ривоятда шу сўзларидан кейин, лекин мен талоқ қилмайман! –деган эканлар.

**Мулла Али қори айтадиларки:** Кечқурунда хуфтандан сўнг суҳбатлашишдан қайтарилган ҳадислардан мақсад бефойда, ёки охиратга манфаат келтирмайдиган суҳбатларни назарда тутилгандир. Аммо шариат фойдаси учун қурилган суҳбатлар эса, бундан мустаснодир. Манабу икки ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг оила аъзоларининг ҳикояларига қулоқ солиб, уларни кўнгилларини шод қилганликлари ҳам манашундай манфаатлардандир. Пайғамбар умматиман! –деб даъво қилаётган кишилар ҳам, у зотнинг изларидан юришни унитмай, оила-аъзоларига меҳрибон бўлишга ҳаракат қилсинлар! Бу заифаларнинг дардларига қулоқ солсинлар! Ғамларини кеткизсинлар! Ажаб эмас! Оллоҳ таоло улардан ҳам ғам-ғуссаларини кўтарса. Дарсимиз сўнгида Оллоҳ таолодан бизларга манашундай ахлоқларни насиб этишини сўраймиз.

وصلى الله على نبينا محمد وعلى آله وصحبه أجمعين وسلم.